

## **523** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2293*

*(2011 йил 22 декабрдан кучга киради)*

Давлат реестридан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича 2011 йил 6 декабрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ва 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2011 йил 22 ноябрдаги 01-39/10-1335-сон хатини инобатга олган ҳолда **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 30 мартдаги 28-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (рўйхат рақами 1947, 27 апрель 2009 йил) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 228-модда) ҳамда 2010 йил 24 майдаги 47-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2109, 2010 йил 28 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 171-модда) буйруқлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 декабрь,  
267-мх-сон